



## INDEPENDENCE AND PROBLEMS OF LAWYER ACTIVITY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Azizjon Makhsudov Tolqinovich <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Master's degree in "Advocacy" Tashkent State Law University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4744716>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> April 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> April 2021

Online: 30<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

advocate, protection,  
inviolability, court,  
normative legal, criminal  
process.

### ABSTRACT

The article analyzes the essence of the legal profession, the independence of the legal profession, the inviolability of the lawyer, the guarantees of the legal profession and the ongoing reforms in this system, and also discusses the existing problems. On measures to further reform the judicial system of the President of the Republic of Uzbekistan, strengthen guarantees for reliable protection of the rights and freedoms of citizens.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА МУАММОЛАРИ

Азизжон Махсудов Тўлқинович <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тошкент Давлат Юридик Университети “Адвокатура фаолияти” йўналиши магистранти

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

адвокат, ҳимоя,  
дахлсизлик, суд-ҳуқуқ,  
норматив-ҳуқуқий,  
жиноят процесси, одил  
судлов.

### ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада адвокатлик касби моҳияти, адвокатлик фаолияти мустақиллиги, адвокатнинг дахлсизлиги, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ушбу тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган, шунингдек, мавжуд муаммолар ҳақида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасида изчил амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ғоялари асосида ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” давлат ва

жамиятни ривожлантиришнинг янги bosқичини бошлаб берди. Хусусан, Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш



ва қонунийликни мустақамлаш ва бошқа шундай мақсадлар доирасида: “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бепарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш;”<sup>1</sup> ва шу каби вазифалар белгилаб берилган. Албатта, ушбу ислохотлар замирида Адвокатура соҳасини ҳам ислоҳ қилиш, соҳада мавжуд бўлган муаммоларни батараф этиш, адвокатуранинг мустақиллигининг кафолатларини таъминланишини кучайтириш кўзда тутилган.

Адвокатлик касбнинг мустақиллиги қонун устуворлигининг асоси ва инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишнинг асосий кафолатидир.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, мустақил адвокатлик касби эгаси бўлмасдан туриб, айбланувчи ва айбланувчиларнинг, яъни жиноят процессида энг заиф ҳолатда бўлганларнинг ҳуқуқларини самарали таъминлаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин эмас. Жиноят процессида адвокатлар гумон қилинувчи ва айбланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини бузувчи давлат органларининг қарорлари устидан илтимоснома ва апелляция беради. Тергов органлари, прокурор, суд ўз вазифаларини амалга оширишда, аввало, айбланувчининг манфаатларидан келиб чиқмайдилар. Бу

<sup>1</sup>Суд- ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2016-йил 21-октябрь.

органлар учун айбдор шахсни амалда жиноий жавобгарликка тортиш бирламчи вазифа ҳисобланади. Далилларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлган мустақил адвокат бўлмаса, жиноят ишини ҳар томонлама тергов қилиш мумкин эмас.

Адвокатнинг процессуал мустақиллиги шуни англатадики, ишда адвокат сифатида иштирок этувчи айрим адвокатлар ўз мижозларини жиноий процессда самарали ҳимоя қилиша, тергов, прокуратура ва суд органларининг позициясидан қатъи назар, судда далилларни йиғиш ва тақдим этиш, шунингдек, давлат органлари томонидан аниқ жиноят ишлари бўйича уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувга дуч келмаслик тушунилади.

Адвокатларнинг касбий мустақиллиги таъминлашда, шу жумладан жиноий ҳуқуқбузарликларни содир этишда айбланган шахсларни ҳимоя қилишни таъминлаш учун ваколатларни талаб қилувчи бир қатор қоидалар ва принципларни назарда тутати. Хусусан, адвокатларнинг роли бўйича асосий тамойиллар давлат ҳукуматларига адвокатларни таъминлаш учун қуйидаги вазифаларни юклайди:

1. адвокатлар таҳдидлар, тўсиқлар, кўрқитиш ёки бошқа аралашувлардан озод бўлган муҳитда касбий вазифаларини эркин бажаришга қодир бўлишлари керак<sup>3</sup>;

<sup>2</sup> Международная комиссия юристов, Независимость юридической профессии в Центральной Азии, 2013, Стр. 10.

<sup>3</sup>Комитет по правам человека ООН, Заключительные замечания по Узбекистану, CCPR/C/UZB/CO/ 3, 7 апреля 2010 г, п. 17.



2. мамлакат ичида ва ташқарисида эркин ўз миждозлари билан маслаҳатлаша олишлари;

3. қонунда белгиланган касбий мажбуриятлар, нормалар ва этикага мувофиқ содир этилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар учун прокуратура ва суд, маъмурий, иқтисодий ёки бошқа санкцияларга, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш ва бошқа таҳдидларга дучор қилинмаслиги;

4. ўз вазифалари натижасида адвокатлар хавфсизлигига таҳдид бўлган ҳолларда, ҳокимият уларни етарли даражада ҳимоя қилиши;

5. ўз касбий вазифаларини бажаришлари натижасида ўз миждозлари ёки миждозларининг манфаатларини аниқлашга қаршилиқ қилмасликни;

6. суд ёки маъмурий орган, агар адвокат ўзининг касбий вазифаларини миллий қонунчилик ва амалиётга мувофиқ бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаса, адвокатнинг судда ўз миждозининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини тўла таъминлаб бериши;

7. судга ёзма равишда тақдим этиш ёки судда оғзаки тақдим этиш шаклида ёки суд ёки бошқа юридик ёки маъмурий орган олдида касбий мажбуриятларини бажариш пайтида виждонан қилинган тегишли баёнотларга нисбатан фуқаролик ва жиноий дахлсизликдан фойдаланиш;

8. адвокатлар ўз миждозларига самарали ҳуқуқий ёрдам бера олишлари учун тегишли маълумотлар, файллар ва ҳужжатларга эгалик қилиш ёки ваколатли

органларнинг назорати остида етарли даражада олдиндан рухсат берилиши;

9. адвокатлар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги касбий муносабатлари доирасида барча алоқа ва маслаҳатлашувларнинг махфийлиги таъминланиши керак.

Ўзбекистон қонунчилиги асосан халқаро стандартларга мос келадиган қатор тамойилларни ўз ичига олади. Масалан, Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 53 - моддаси ҳимоячининг жиноят процессининг иштирокчиси сифатида эга бўлган ҳуқуқларини санаб ўтилган. Бироқ, айрим халқаро ташкилотлар қонун ҳужжатларининг қоидалари адвокатларнинг функционал мустақиллигини етарли даражада кафолатламаслигини таъкидламоқда. Масалан, ўз тадқиқотида адвокатлар ҳар доим ҳам таҳдид, тўсик, кўрkitиш ёки аралашувлардан холи бўлган муҳитда ўз касбий вазифаларини бажара олмайдилар, деган хулосага келишган. Адвокатлар палатаси унинг аъзолари ижрочининг аралашувидан етарли даражада ҳимояланишини таъминлаши лозим бўлса-да, амалда палата, адвокатларнинг фикрича, ижрочи томонидан "адвокатларга, айниқса, ўз миждозларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол бўлганларга босим ўтказиш воситаси сифатида"<sup>4</sup> кўриб чиқилади. Ўзбекистонда давлат жамоат бирлашмасининг ички ишларига аралашмаслик масаласи ҳамон долзарб.

Тайинланган адвокатларни тергов органларига қарам қилиб қўядиган яна бир муаммо - бу тайинланган адвокатнинг

<sup>4</sup>Международная комиссия юристов, Независимость юридической профессии в Центральной Азии, 2013, стр. 90.



хақини тўлаш тўғрисидаги қарорни терговчи, яъни дастлабки тергов босқичида химоячининг процессуал рақиби амалга оширишидир.

Бизнингча, ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган жиноят-процессуал қонунчиликни ислоҳ қилиш жинойи иш юритишни эркинлаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кўшимча кафолатларини таъминлашга қаратилган. Бу нормаларни амалга оширишда химоячилар муҳим рол ўйнаши керак бўлади. Химоячилар ўз мижозларининг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш функциясини бажаришлари учун адвокатлар институционал ва функционал жиҳатдан мустақилликка эга бўлишлари керак. Шу муносабат билан қонунчиликни ислоҳ қилиш жараёни ҳам бар мақомга боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида эълон қилинган тарафларнинг душманлик хусусияти ва тенглиги принципи дастлабки тергов органларининг иштирокисиз, мустақил равишда далилларни тўплаш ва тақдим этиш учун адвокатларнинг реал ваколатлари билан таъминланиши лозим.

Адвокатнинг мустақиллигини энг асосий шартларидан бири бу адвокатнинг дахлсизлигидир.

**Адвокатнинг дахлсизлиги** – деганда давлат яратадиган ва адвокатнинг самарали ишини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тушунилиши керак. Бундай кафолатлар яратилиши инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг зарур таркибий қисмидир. Адвокатнинг дахлсизлиги кафолатларни қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

1) ўз вазифаларини кўрkitмасдан ва тўсиқсиз бажариш қобилияти.

2) мамлакат ичида ва чет элда эркин ҳаракатланиш қобилияти.

3) адвокатнинг хавфсизлигига таҳдид солаётган бўлса, давлатдан химоя олади.

4) адвокатлар ўзларини мижозлар ва мижозлар иши билан таништирмаслик. (адвокатлик сири)

5) адвокатлар касбий мажбуриятларини бажараётганда берган баёноتلари учун жинойи ва фуқаролик дахлсизлигига эга бўлиши керак

6) адвокатга нисбатан жинойи жавобгарликка тортишнинг махсус тартиби кўзда тутилган.

Адвокатлардан, шунингдек адвокатлар ассоциациялари, адвокатлар палаталари ёки адвокатлар палатаси ходимларидан аниқ ҳолларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди. Адвокат, унинг мол-мулки давлат томонидан химоя қилинади. Ички ишлар органлари адвокат, унинг хавфсизлиги ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари шарт.

Адвокатнинг шахси дахлсиз. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган



прокурорлар томонидан кўзгатилиши мумкин<sup>5</sup>.

**Адвокатлик сири** - адвокат томонидан ўз миқозига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳар қандай маълумот<sup>6</sup>.

Адвокатлар мустақиллигининг кафолатлари учун суд процессларининг барча турларида миқоз манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокатларга нисбатан қўлланиладиган иммунитет ва имтиёзлар асос бўлиб хизмат қилади. Адвокат сирининг имтиёзи - суд процессларида адвокатнинг мустақиллигини таъминлайдиган аниқ кафолатлардан бири.

Адвокат ишонч билдирувчи билан бўлган мулоқотда олган ҳар қандай маълумот, тушунтиришлар адвокатлик сири ҳисобланиб, адвокат томонидан муҳофаза қилиниши шарт. Шу сабабли ҳам адвокатдан (унинг ёрдамчиси, стажеридан ҳам) адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатувлар беришни талаб қилиш, шунингдек, улар ҳақида тезкор-қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

Адвокатнинг дахлсизлиги адвокатура институтининг самарали ва мақсадга мувофиқ кафолати ҳисобланади. Адвокат дахлсизлиги ва адвокатлик сирини

йўқ қилиш, кучсизлантириш адвокатура институти пойдеворини бузиб ташлайди.

“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг амалдаги 6-моддаси адвокат дахлсизлигини кафолатлай оладими? Модданинг учинчи қисми матнига эътибор қаратамиз: “Адвокатнинг уй-жойи ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишидаги транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек, унинг почта-телеграф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг санкцияси билан амалга оширилиши мумкин”.<sup>7</sup>

Демак, бу ерда адвокатга нисбатан тергов ҳаракатлари тегишли прокурор санкцияси билан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. Эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолат шуки, ушбу тергов ҳаракатлари адвокатга нисбатан жиноят иши кўзгатирилган ҳолатдагина эмас, унинг ҳимояси остидаги шахсга доир жиноят иши доирасида ҳам тергов ҳаракатлари амалга ошириш истисно

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” ги қонуни, 6-модда. <https://lex.uz/docs/29626>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни, 9-модда. <https://lex.uz/docs/54503#1426342>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” ги қонуни, 6-модда. <https://lex.uz/docs/29626>



қилинмаган (яъни адвокатнинг ўзи тергов ҳаракатлари объекти бўлмаган ҳолатда ҳам). Масалан, адвокатнинг офисида жиноят ишига аҳамиятли деб ҳисобланган ашёни топишга оид тинтув ўтказилиши, нарсаларини олиб қўйиш мумкинлиги кўринади.

Қонуннинг 8-моддаси учинчи қисми бу ҳолатга аниқлик киритади, лекин тўлиқ эмас. Унга кўра юридик ёрдам бериш билан боғлиқ ахборотни талаб қилиб олиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, текшириш, ундан нусха кўчириш, бундай ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга фақат адвокат айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган тақдирда, бошқа ҳолларда — жиноят, фуқаролик ишлари, иқтисодий ишлар, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда эса фақат юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Лекин бу моддада гап ахборот ҳақида кетади ва вазиятга тўлиқ ойдинлик киритади деб бўлмайди.

Шундай қилиб, қонуннинг амалдаги 6-моддаси адвокат дахлсизлигини таъминлай олмайди деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу вазиятн чет эл тажрибасида кўриб чиқамиз:

Россия Федерациясида адвокатга нисбатан тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув ҳаракатлари фақатгина суд қарори билан ўтказилади. Тергов ва тезкор ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар, нарсалар ва ҳужжатлар фақатгина улар адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасидаги юридик ёрдам ишига алоқадор бўлмаган ҳолатларда далил сифатида кучга эга бўлади. Яъни, адвокатга нисбатан тергов ва тезкор-қидирув ҳаракатлари амалга ошириш унинг ишонч

билдирувчиси билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда маънога эга бўлади.

Францияда адвокат фойдаланётган бинони кўздан кечириш, у ерда тинтув қилиш, адвокат тергов ҳаракати объекти бўлмаса ҳам йўл қўйилади (Франция Жиноят процессуал кодекси, 59-1-моддаси). Бироқ бу ҳаракатлар суд қарори билан амалга оширилиб, жараёнда Адвокатлар палатаси раиси иштироки шарт қилиб қўйилади.

Германияда адвокатура мустақил одил судлов органи ҳисобланади. Ишонч билдирувчи шахс билан боғлиқ жиноят иши доирасида адвокатга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб бориш фақатгина суд қарори билан амалга оширилиши мумкин (бунинг учун жуда кўп нарсаларни асослаш керак).

Адвокатга нисбатан у тергов ҳаракати (тезкор-қидирув ҳаркати) объекти бўлмаган ҳолатда тергов ҳаракатлари ўтказиш унинг дахлсизлигини, адвокатлик сири муҳофазасини хавф остига қўяди. Шу сабабли қонунни қўйидагиларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, яъни адвокатга нисбатан тергов (тезкор-қидирув) ҳаракатларини ўтказишни (у тергов ҳаракати объекти бўлмаган ҳолатда):

- суд қарори орқали;
- Адвокатлар палатаси вакили иштирокида;
- алоҳида тартибда ўтказилишини таъминлаш лозим

Адвокатуранинг жамият институтлари мувозанатидаги роли жуда муҳим. Бу мувозанатни бузишни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу қадрият ҳуқуқ тизимининг асоси эканини унутмаслик



керак. Ахир ҳуқуқ тизимли ва олдиндан кўриладиган бўлиши шарт.

Шубҳасиз, адвокатлик касб фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ҳуқуқий таъминотига боғлиқ Фақат кучли, мустақил адвокатлик билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш мумкин.

Адвокатлик фаолияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун куйидагиларни амалиётга жорий қилишимиз керак:

**Биринчиси** - адвокатлик фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан мажбурий назоратни олиб боришда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан адвокатлик фаолиятини лицензиялашни бекор қилиш.

**Иккинчиси** - адвокатнинг тайинлаш учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарори терговчи томонидан, яъни дастлабки тергов

босқичида ҳимоячининг процессуал рақиби томонидан қабул қилинмаслиги керак. Бу ваколатларни жинойи прокуратура органларидан мустақил агентликка, масалан, бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш махсус агентлигига (юридик ёрдам) ўтказиш тавсия этилади.

**Учинчиси** - адвокатларга ўзлари мустақил тарзда экспертиза тайинлай олиш ҳуқуқи берилиши керак.

**Тўртинчиси** - жиноят жараёнининг барча босқичида судяга далилларни тақдим этиш ҳуқуқини тенглаштириш мақсадида, ҳимоячи ва прокуратура органлари томонидан паралел тергов далил ва элементларини тўплаш ва тақдим этиш учун иккита файл тизимини жорий этиш тавсия этилади. (Италия тажрибаси)

**Бешинчиси** – адвокатларга Адвокатлар палатасининг ўзини ўзи бошқариш органи вакилини муддатдан олдин чиқариб олиш ҳуқуқини бериш.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2019-йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни 1996-йил 27-декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” ги қонуни 1998-йил 25-декабр.
5. Международная комиссия юристов, Независимость юридической профессии в Центральной Азии, 2013.
6. Комитет по правам человека ООН, Заключительные замечания по Узбекистану, ССРР/С/УЗВ/СО/ 3, 7 апреля 2010 г.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.



8. Икрамова Ф.С. //Аллергический ринит и функциональное состояние печени //Материалы XII Международной научно-практической конференции и студентов и молодых ученых-медиков Молодеж-практическому здравоохранению. Россия,г Тверь, 2018 г.
9. Икрамова Ф.С. //Встречаемость аллергического ринит при функциональных изменениях печени// Биология ва тиббиёт муаммолари, 2018, №2.1(101).
10. Ильченко А.А. Дисфункции билиарного тракта и их медикаментозная коррекция // Клин. перспективы гастроэнтерологии, гепатологии. — 2009. — № 5. — С. 25-29.
11. Шерлок Ш., Дули Дж. Заболевания печени и желчных путей. — М.: Гэотар Медицина, 2001. — 864 с.